



## ЎҚУВЧИЛАРДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Йўлдош Каримов**

Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10516677>

### Аннотация

Мақолада жамиятда ўзгаришлар кечаётган жараёнда ижтимоий онгнинг ва тафаккурнинг ўрни муҳим аҳамият касб этиши, хусусан тарихий тафаккур орқали ватандошларни фаоллаштириш, ислохотнинг муҳим субъектига айлантириш мумкинлиги, шу боис умумтаълим мактаб ўқувчиларида тарихий тафаккурни шакллантиришда тарих дарслари ва тарихни ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари, тарихий билимни қандай ўзлаштириш, тарихий далилдан фойдаланиш, тарихий тафаккурни ривожлантириш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** тарихий тафаккур, тарихий далил, тарих дарси, аналитик тафаккур, ўқитиш материаллари, танқидий тафаккур, ўқитиш усуллари, тарихий идеал.

Янгиланаётган Ўзбекистонда истиқболни белгилаш ва уни амалга оширишда фуқаролар онгида янги тарихий тафаккурни шакллантириш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Оламни ўзгартириш учун аввало, одамни ўзгартириш лозим. Ҳақиқатдан ҳам, жамиятни ўзгартириш аввало, инсон онгидан бошланади. Бунда тарихий онг ва тарихий тафаккурнинг ҳам ҳиссаси катта.

“Тарихий тафаккур ва тарих фалсафаси маърифатли жамият қуришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Зотан, ўтмишни англаш, уни тўғри тушуниш орқали кишилар онги ва руҳиятида жиддий ўзгаришлар ясашга, шу орқали ҳаётни, турмуш тарзини, охир-оқибатда эса жамиятни маънавий ислоҳ қилишга эришилади”<sup>1</sup>.

Тарихий тафаккур бизнинг маърифий ҳаётимизнинг муҳим қисмига айланиши лозим. Бунинг учун барча таълим каналлари, тарғибот ва ташвиқотнинг имкониятларидан максимум даражада фойдаланиш яхши самара беради. Ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришда тарих дарсларининг ўрни жуда муҳим. **“Ҳаммамизга аёнки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида жамиятимизда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ёшларимизни турли зарарли ғоя ва таҳдидлардан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали,**

<sup>1</sup>Жўраев Н. Янгиланишлар концепцияси: яратилиши эволюцияси ва амалиёти. – Т.: Маънавият, 2002. –Б.46.



**фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.”<sup>2</sup>**

Умумтаълим мактабларида ўқитилаётган тарих дарсларининг савиясини, ўқитувчиларнинг салоҳиятини ошириш зарур. Тарих қуруқ рақамлар ва оддий воқеалар баёни бўлиб қолмаслиги муҳим. Тарихий воқеа-ҳодисалар ҳиссиёт ва туйғулар билан омухталаштирилганда унинг болаларга таъсири бир неча баробар ошади. Бу даврда боланинг онгига сепилган ватанга муҳаббат уруғи униб чиқиб келгусида катта ишларга, бунёдкорликларга пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Умумтаълим мактабларида тарихни ўрганиш жараёнида тарихий тасаввурнинг 3 тури шаклланади:

1)тарихий далиллар; 2)тарихий давр; 3)тарихий макон ҳақида.

Ўқитувчи тарихий тасаввурнинг тури ва ролини балки уни ташкил этиш усулини ҳам билиш керак. Мактабда тарихни ўқитишнинг асосий вазифаси ўқувчиларда жамият ҳаётининг бутун жиҳатларини қамраб олган, ўтмиш далиллари ҳақидаги аниқ тасаввурни шакллантиришдан иборатдир.

Аниқ тарихий тасаввур тарихий тушунчаларни шакллантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ўтмишга оид ҳодиса ва образлар мазмуни бой ва кенг бўлса уни тушуниш тизими шунчалар мукамал ва мазмунли бўлади. Ўтмиш ҳодисаси ўқувчида ҳамдардлик, қайғуриш, нафрат, фахрланиш ҳиссини ҳосил қилади. Қаҳрамонлар образи эса уларда идеаллар шаклланишига ёрдам беради. Бунда тарихий жараённинг тарбиявий аҳамияти намоён бўлади.

Тарих ўқитувчиси даврнинг адекват образини яратишга ҳаракат қилиши лозим. Ўқитувчи матнни ўқиш, оғзаки гапириш билан бирга турли кўргазмали материаллардан самарали фойдаланиши керак. Дарсликдаги рангли расмлар, меҳнат қуроллари, хўжалик машғулотлари, одамларнинг ташқи қиёфаси, уй-жойлари, урушлар, маданий ёдгорликлар ва бошқалар ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Муваффақиятли тарихий тафаккурга эга бўлиш учун ўқувчилар бутун ахборот тизими ва аналитик қобилиятига эга бўлиши керак. Алоҳида олинган дарсда ўқитувчи фаолиятининг битта усулини ташкил қилади. Дарҳақиқат, усулларнинг бутун моҳиятини кўрсатиш учун ўқувчилар томонидан операцияларнинг ўзаро алоқаларини кўрсатиб бериш керак. Шу мақсадда турли фаол технологиялардан фойдаланилади: амалий-лаборатория машғулотлари, диспутлар,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Тошкент, 2020 йил 30 октябрь





форумлар, симпозиумлар, дебатлар, суд мажлислари, тадқиқот лойиҳалари тузиш ва ҳ.к.лар. Шундай қилиб ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантириш билмасликдан билишга, ҳаракатсизликдан фаолликка, англамасликдан англашга қараб узун ва мураккаб йўлни босиб ўтади.

Тарих дарсларида ашёвий ва визуал манбалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради, ўқувчиларда ўтмиш воқеалар ҳақидаги тасаввурни бойитади, ахборотни ажратиб олиш, муҳокама қилиш ва фикр юритишга ўргатади. Тарихий фактлар ва уларнинг интерпретациясига асосланган тарихий тафаккур кўникмасини ривожлантириш мураккаб, инсондан аналитик қобилиятни талаб қилади. Танқидий фикрлаш-ҳақиқий билимларни эгаллаш йўлидаги фаол билиш жараёнидир. Тарих дарсларида бу энг муҳим мақсадлардан бири бўлиши керак. Тарихий далилларни билишни ўзи кам, унинг халқ ва мамлакат учун тарихий аҳамиятини баҳолашни билиш муҳимдир. Танқидий фикрлайдиган одам стереотип ва догмаларни қабул қилмайди. Унинг тафаккурида ахборот билан ишлаш асосида фикрлаш, турли нуқтаи назарларда қараб чиқиш, баҳолаш ётади.

Тарих дарсларида танқидий тафаккурни ривожлантириш жараёни ўқувчиларнинг мустақил тадқиқот ишларисиз тасаввур қилиш қийин. Улар хужжатлар, манбалар, мемуарлар, тарихчилар, файласуфлар, социологларнинг фикрлари билан танишиши лозим.

Анологик фаолият бошқа мавзулар бўйича йил бўйи давом этади. Бу давр мобайнида ўқувчиларда жамият ҳаётининг ўтмишдаги турли соҳалари бўйича турли билимлар тўпланади. Ахборот манбалари доирасини аниқлаш кўникмаси, керакли маълумотни олиш, қўйилган муаммодан келиб чиқиб кўриладиган аспектга қайси бурчакдан қарашни ўргатади.

Тарихий далиллар ва уларнинг интерпретацияси мураккаб жараён, инсондан юқори аналитик кўникма, предмет бўйича билим, ишонч ва тўғри шаклланган тарихий тафаккур керак бўлади.

И.Я.Лернер томонидан тарихий тафаккур тизимга солинган. “Тарихий тафаккур қуйидаги 9 та ҳолатни ўзида акс эттиради:

1) ижтимоий ҳодиса ва воқеага оид далил ва белгиларни тўғри ажратиб олишни билиш; 2) ҳар қанда ижтимоий воқеликнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш; 3) бир –бирига мос келувчи тарихий ҳодисалар ва уларнинг ўзаро алоқаларини ва шартларини аниқлашга интилиш; 4) барча тарихий ҳолатларнинг онгдаги ўткинчи характери,





унинг тарихий аҳамияти; 5) тарихий қонуниятларнинг номоён бўлишдаги кўп образлиликни англаш;

6) ҳар бир тарихий ҳодисада акс этадиган (тараққиёт) ривожланиш тенденциясини излаш; 7) ижтимоий гуруҳ ва алоҳида шахсларнинг фаолиятини белгиловчи ижтимоий мотивларни ажрата олиш; 8) ўтмиш ва бугунни таққослашга қизиқишни кўрсатиш; 9) тарих дарсларидан ўтмишга оид далиллардан келтиришни билиш.<sup>3</sup>

Ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, тарихий тафаккур шахс маънавий қиёфасининг муҳим унсури ўзликни англашга йўл очади. Жамиятда кечаётган ўзгаришлар, ислохотларнинг изчиллиги, ошкоралик, самарадорлик фаол шахслардан иборат жамоатчиликка боғлиқ;

Иккинчидан, тарих дарсларида ўқувчилар тасаввурида ўтмишнинг аниқ тасаввурини ҳосил қилишнинг воситаларидан унумли фойдаланиш орқали ўтмиш ҳодисасининг мукамал манзараси ва образини яратишга эришиш яхши самара беради;

Учинчидан, тарих дарслари ўқувчиларда аналитик қобилиятни ривожлантиришга йўналтириш орқали уларда мушоҳадалик, мустақил фикр айтиш кўникмасини ҳосил қилишга хизмат қилади. Дарсда фақат дарслик ва ўқув материаллари билан чекланмасдан, мавзуга оид қўшимча адабиётларлардан фойдаланиш яхши самара беради;

Тўртинчидан, дарсларда ҳосил қилинган тарихий тафаккур ўқувчида ўтмиш, бугун, эртага формуласи асосида тарихга ёндошиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади. Зеро, ҳар қандай кўникма малакага пойдевор бўлади.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Тошкент, 2020 йил 30 октябрь
2. Жўраев Н. Янгиланишлар концепцияси: яратилиши эволюцияси ва амалиёти. – Т.: Маънавият, 2002. –Б.46.
3. Лернер И.Я. Развития мышления учащихся в процессе обучения истории // М.: Просвещение. – 1982. –С. 191.

<sup>3</sup> Лернер И.Я. Развития мышления учащихся в процессе обучения истории // М.: Просвещение. – 1982. –С. 191.





4. Karimova, S. (2022). MAFKURAVIY XAVFSIZLIKNI TA'MINLASHDA MILLIY MEROSIMIZNING ORNI. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(1), 485-488.

